O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI

**YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING**

**BUYRUG'I**

---

2023 y. "14" fevral №01-10/23

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2022-yil 19-dekabrdagi 2777-IV-KQ-442-IV-son qarori ijrosini ta'minlash haqida**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining "O'zbekiston Respublikasida Nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konvensiyani amalga oshirish bo'yicha 2023 - 2025 yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasi haqida" 2022-yil 19-dekabrdagi 2777-IV-KQ-442-IV-son qarorida belgilangan vazifalar ijrosini o'z vaqtida va sifatli bajarish maqsadida

**B U Y U R A M A N:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining "O'zbekiston Respublikasida Nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konvensiyani amalga oshirish bo'yicha 2023-2025 yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasi haqida" 2022-yil 19-dekabrdagi 2777-IV-KQ-442-IV-son qarori (keyingi o'rinlarda – qaror) ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Qarorda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining nazorat rejasi (keyingi o'rinlarda – nazorat reja) ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Nazorat rejada belgilangan vazifalar va tadbirlar:

o'z vaqtida, to'liq va sifatli bajarilishi yuzasidan shaxsiy javobgarlik mas'ul ijrochi bo'lgan tarkibiy va hududiy bo'linma rahbarlari zimmasiga yuklansin;

ijrosi uchun talab etiladigan sarf-xarajatlar belgilangan muddatlarda alohida buyruq asosida amalga oshirilishi belgilansin.

4. Agentlik markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari, hududiy bo'linmalari rahbarlari hisobot oyi uchun keyingi oyning 5-sanasiga qadar nazorat reja ijrosi bo'yicha Axborot-tahlil va ijro nazorati bo'limiga hisobot taqdim etib borsin.

5. Ushbu buyruq ijrosi nazoratini qilish direktor o'rinbosari D.Kattaxanova zimmasiga yuklansin.

**Direktor** **A. Sa'dullayev**

Yoshlar ishlari agentligi direktorining
2023-yil "14"-fevraldagi 01-10/23 -son buyrug'iga
Ilova

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining "O'zbekiston Respublikasida Nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konvensiyani amalga oshirish bo'yicha 2023 - 2025 yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasi haqida" 2022-yil 19-dekabrdagi 2777-IV-KQ-442-IV-son qarorida belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining**
**NAZORAT-REJASI**

| T/r | Chora-tadbir nomi | Bajarish muddati | Mas'ul ijrochilar | |
|---|---|---|---|---|
| | | | **Vazirlik va idoralar** | **Ijro uchun mas'ullar (Agentlik)** |
| **O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2022-yil 19-dekabrdagi 2777-IV-KQ-442- IV-son qo'shma qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasida Nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konvensiyani amalga oshirish bo'yicha 2023 - 2025 yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasining "yo'l xaritasi"** | | | | |
| **1.** *(19-band)* | Nogironligibo'lgan bolalari bor ota onalarni qo'llab-quvvatlash tizimini yaratish. | 2023-yil mart | **Yoshlar ishlari agentligi,** Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi, Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Madaniyat va turizm vazirligi, Sog'liqni saqlash vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi, nogironligi bo'lgan shaxslar tashkiloti | Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** Agentlikning hududiy bo'limlari boshliqlari |
| **2.** *(34-band)* | Milliy telekanallarda ixtisoslashtirilgan ko'rsatuvlar, badiiy, hujjatli filmlar ishlab chiqarish va efirga uzatish, jamiyatda nogironligi bo'lgan shaxslarga nisbatan stereotip va noto'g'ri qarashlarni yo'q qilishga qaratilgan spektakllarni sahnalashtirishni nazarda tutuvchi hamda nogironligi bo'lgan shahslarning ijobiy imijini shakllantirish bo'yicha ma'rifiy tadbirlarni o'tkazish, shuningdek, nogironligi bo'lgan shahslarning salohiyati va jamiyat va davlat rivojiga qo'shgan hissasini rag'batlantirish hamda nogironligi bo'lgan shaxslarning ijobiy imijini shakllantirishga qaratilgan ijtimoiy reklama | 2023-yil davomida | **AOKA,** MTRK, Madaniyat va turizm vazirligi, Sog'liqni saqlash vazirligi, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, nogironligi bo'lgan shaxslar NNTlar | Yoshlar media loyihalarini qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'i **(N.Abduqodirov)** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | xabarlari va nashrlarini tayyorlash va ommaviy axborot vositalariga efirga uzatishda ko'maklashish. | | | |

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI KENGASHINING VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI KENGASHINING

# QO‘SHMA QARORI

## Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси ҳақида

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси ижроси юзасидан «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасининг ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Мазкур Қўшма қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Спикерининг биринчи**
**ўринбосари**

**А. Саидов**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Раиси**

**Т. Нарбаева**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 декабрь,
№ 2777–IV/КҚ-442–IV.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгашининг
ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги
2777–IV/КҚ-442–IV-сонли Қўшма қарорига
1-илова

# Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 7 июнда асосий мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлаш, шунингдек уларнинг ажралмас қадр-қимматини ҳурмат қилишни рағбатлантиришдан иборат бўлган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (бундан буён матнда Конвенция деб юритилади) ратификация қилди.

2023 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси (бундан буён матнда Миллий ҳаракатлар режаси деб юритилади) давлат органлари, ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш асосида Конвенция қоидаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва механизмларни яратишни таъминлашга қаратилган ҳужжат ҳисобланади.

Миллий ҳаракатлар режаси Конвенция нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига асосланади.

Конвенция иштирокчи-давлатларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот ва коммуникация технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш эркинлиги, шунингдек, очиқ ёки омма учун тақдим этилган бошқа объектларга эркин киришини таъминлаш учун тегишли чораларни кўришларини белгилайди.

**Мавжуд тўсиқ ва муаммоларни** аниқлаш, уларни бартараф этиш ва эркин ҳаракатланишга тўсиқ бўлувчи қуйидаги чораларни ўз ичига олиши керак:

- бинолар, йўллар, транспорт воситалари, бошқа ички ва ташқи объектлар, шу жумладан турар-жой бинолари, таълим ва тиббиёт муассасалари, иш жойлари ва бошқаларда;

- ахборот, алоқа ва бошқа хизматлар, шу жумладан электрон хизматлар ва фавқулодда вазиятлар хизматларида;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда самарали ижтимоий мослашуви имкониятларини белгиловчи ижтимоий дастурлар ва ижтимоий хизматлар, шу жумладан реабилитация ва абилитация бўйича.

*БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ)* 5 та мақсади таркибида келтирилган **6 та вазифа** ногиронлик масаласига қаратилган, яна 6 та мақсад ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда инклюзив ривожланиш билан боғлиқ мақсадларни ўз ичига олади.

БРМ 2015 йилдан 2030 йилгача бўлган халқаро ҳамкорлик бўйича мақсадлар тўплами ҳисобланади. Чекланган ресурслардан мақбул фойдаланиш ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий тизимлар барқарорлигини сақлаш, биологик ва жисмоний табиий тизимларнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўришни назарда тутувчи «Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби» деб номланган БРМ ҳужжати 17 та глобал мақсадни ва 169 та тегишли вазифаларни ўз ичига олади.

Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш тиббий-ижтимоий экспертиза тизимини, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш соҳасида хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан тенг асосда таълим олиши, меҳнат қилиши, жисмоний муҳит, шу жумладан транспорт, ахборот ва алоқа воситалари, объектларни жиҳозлаш ва хизматларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мослаштиришни таъминлаш чораларини кўриш имконини беради.

## 2. АСОСИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

Миллий ҳаракатлар режаси мақсадлари учун «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Конвенцияда акс эттирилган қуйидаги асосий атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилади:

**ногиронлик белгисига кўра камситиш** — мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан

иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш;

**ногиронлиги бўлган болалар** (бола) – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

**ногиронлиги бўлган шахс** – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг, тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

**ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш** – ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари** – ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиш имкониятларини таъминлаш мақсадида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари;

**протез-ортопедия мосламалари** – йўқ бўлган қўл-оёқларнинг ёки тана бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламалар;

**сурдотаржима** – бирор-бир тилдан дактил алифбоси ёрдамида ва (ёки) имо-ишора тилида таржима қилиш усули;

**тиббий-ижтимоий экспертиза** – текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмининг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш;

**тил** – оғзаки ва ишора тилларини ҳамда оғзаки бўлмаган тилларнинг бошқа шаклларини қамраб олади;

**оқилона мослаштириш** – ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш мақсадларида аниқ бир ҳолатда зарурат бўлганда мос келмайдиган ёки

оқланмайдиган юк бўлмайдиган зарур ва мувофиқ модификациялар ва тузатишлар киритишни англатади;

**универсал дизайн** – барча одамлар учун мослаштириш ёки махсус дизайнни талаб этмайдиган ҳолда энг юқори имконият даражасида яроқли қилишга даъват этилган буюмлар, шароит, дастур ва хизматлар дизайнини англатади. «Универсал дизайн» зарурат бўлганда аниқ бир ногиронлар учун ассистив қурилмаларни истисно этмайди;

**реабилитация** – фаол жараён ҳисобланиб, унинг мақсади касаллик ёки шикастланиш туфайли бузилган функцияларни тўлиқ тиклашга эришиш ёки имкони бўлмаганда, ногиронлиги бўлган шахснинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий салоҳиятини оптимал даражада рўёбга чиқариш, унинг жамиятга энг адекват тарзда мослашиши;

**абилитация** – ногиронлиги бўлган шахсларда мавжуд бўлмаган уй-рўзғор, ижтимоий, касбий ва бошқа фаолият қобилиятларини шакллантириш тизими ва жараёни. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, шу жумладан моддий мустақилликка эришиш ва жамиятга интеграциялашуви учун уларнинг ҳаётидаги чекловларни бартараф этишга ёки иложи борича тўлиқ қоплашга қаратилган.

## 3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАВЖУД ВАЗИЯТ

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – ногиронлиги бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ҳамда тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини тартибга солувчи миллий қонунчилик:

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги барча ҳуқуқларини тартибга солувчи «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш;

– бандлик масалалари;

– жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш;

– ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш;

– одил судлов;

– давлат ва жамоат ишларида иштирок этиш;

– ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил топган.

2022 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони 800 мингдан ортиқ, жумладан, 138,9 минг нафари 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар ва 670,7 минг нафари 16 ёшдан ошган ногиронлиги бўлган шахслардир, бу аҳоли умумий кўрсаткичининг 2,2 фоизини ташкил этади. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган. 248 278 нафар 16 ёшдан ошган ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатга лаёқатли бўлиб, шундан 30 887 нафари иш билан тўлиқ таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 248-сонли қарори билан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги қарори билан Ҳукумат ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан жамият ҳаётида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш инсоннинг тенглиги, шу жумладан ногиронлик белгисига кўра камситилмаслик тамойили асосида амалга оширилади. Бу борада нафақат давлат ташкилотлари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаоллиги жуда муҳим.

# 4. МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Конвенция** қоидаларини амалга ошириш учун мазкур Миллий ҳаракатлар режасининг мақсади Конвенция нормалари ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда Конвенциянинг қуйидаги асосий тамойиллари эътиборга олинади:

шахснинг ажралмас қадр-қимматини, унинг эркин ҳаракатланишини, шу жумладан ўз танловини амалга ошириш эркинлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш;

камситмаслик;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ҳаётига тўлиқ ва самарали жалб этиш ва қамраб олиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг хусусиятларини ҳурмат қилиш ва уларни инсоний хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида қабул қилиш;

имкониятлар тенглиги;

тўсиқсиз фойдаланиш;

эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги;

ногиронлиги бўлган болаларнинг қобилиятларини ҳурмат қилиш ва ногиронлиги бўлган болаларнинг ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқлари.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган.

**1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш.**

Муаммони ҳал этиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни камситишга йўл қўймаслик масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш, шу жумладан, ногиронлик бўйича камситишни мажбурий тақиқлаш, амалда тенглигини таъминлаш учун ташкилий-техник шарт-шароитларни такомиллаштириш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ногиронлиги бўлган шахслар ўзларининг мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш жараёнида уларнинг одил судлов ҳуқуқидан эркин фойдаланиш даражасини ошириш назарда тутилган.

**2. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иштирок этиши учун қулай инфратузилма ва хизматларнинг барча турларини яратиш, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ва амалга ошириш.**

Муаммони ҳал этиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бошқа фуқаролар билан тенг равишда

иштирок этиши, таълим олиши, тиббий-ижтимоий шароитини яхшилаши учун атроф-муҳит, хизматлар ва маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам бериш, уларни реабилитация ва абилитация қилиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат маданий ва спорт ҳаётида иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яхшилаш кўзда тутилган.

**3. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиш, ногиронлиги бўлган шахслар яшаш тарзи учун қулай ижтимоий муҳит яратиш.**

Муаммони ҳал этиш жамиятда ногиронлик масалалари ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат жамият ва сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш бўйича маърифий ишларни олиб бориш чора-тадбирлари орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда камситилиш жараёнига дучор бўлишининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларини ўтказиш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

**4. Ногиронликни баҳолаш ва белгилаш, ижтимоий реабилитация ва абилитация тизимини такомиллаштириш.**

Мазкур масала Конвенция қоидаларини амалга оширишнинг илмий ва статистик таъминотини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш, мониторингни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасида Конвенцияни амалга ошириш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

## 5. МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ БАЖАРИЛИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Миллий ҳаракатлар режаси тадбирлари давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий ташкилотларни жалб қилиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ўз ваколатлари доирасида ногиронлиги бўлган шахслар масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади.

Миллий ҳаракатлар режаси бажарилишини назорат қилувчи орган Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ҳисобланади.

Миллий ҳаракатлар режасининг ижрочилари ҳар ой Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгашга чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади, кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгашининг
ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги
2777–IV/КҚ-442–IV-сонли Қўшма қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасининг «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ ҲАМДА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ** | | | | | | |
| 1. | Миллий қонунчилик ва амалиётни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қоидалари ва тамойилларига мувофиқлаштириш, шу жумладан ногиронлик билан боғлиқ концептуал аппарат ва терминологияни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш. | 1.1. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:<br>а) тушунчаларнинг таърифлари:<br>- «ногиронлик» тушунчасини БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг муқаддимаси ва 1-моддасига мувофиқлаштириш;<br>- «ногиронлик белгисига кўра камситиш» тушунчасини Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1 ва 2-моддаларига мувофиқлаштириш;<br>- «мулоқот», «тил», «оқилона мослаштириш», «универсал дизайн» тушунчаларини БМТнинг Ногиронлар | 2023 йил октябрь | ТИХРА, ИҲММ, СВВ, МТВ, ХТВ, ОЎМТВ, БММВ, МНҚКВ, Адлия вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси | Халқаро стандартларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг 2-моддасига мувофиқлаштириш;<br>б) қуйидагилар бўйича моддалар киритиш:<br>- «тенглик ва камситмаслик»;<br>- «ногиронлиги бўлган хотин-қизлар»;<br>- «ногиронлиги бўлган болалар»;<br>- «одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлаш»;<br>- «етарли турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқи»;<br>- «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва жамият ҳаётида иштирокини таъминлаш»;<br>- «Статистик ҳисобга олиш ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёти тўғрисида маълумотларни тўплаш»;<br>- «хатарли ҳолатлар, гуманитар фавқулодда вазиятлар ва эпидемиялар»;<br>- «Индивидуал мобиллик»;<br>- «мустақил турмуш тарзи ва жамиятга қамраб олинганлик» ва бошқалар. | | | | |
| | | 1.2. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини қуйидаги омиллар мавжудлиги бўйича таҳлил қилиш:<br>- БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қоидаларига мувофиқ ногиронлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар; | 2023 йил ноябрь | ТИХРА, ССВ, МТВ, ХТВ, ОЎМТВ, БММВ, МНҚҚВ, Адлия вазирлиги, | Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг фуқаролик, сиёсий ва бошқа ҳуқуқларини тартибга солувчи | Ўзбекистон Республикасининг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчилиги халқаро |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | - ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситувчи нормалар;<br>- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда иштирок этиш механизмлари (сайлов ҳуқуқи, одил судлов ҳуқуқи ва бошқалар). | | Бош прокуратура, Олий суд, Марказий сайлов комиссияси, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | қонун ҳужжатларида бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, камситувчи қоидалар мавжудлиги тўғрисида таҳлилий маълумотнома | стандартлар ва БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига мувофиқлаштириш |
| | | 1.3. Қонунчиликнинг такомиллаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга камситувчи қоидаларни бартараф этишга, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг фуқаролик ва сиёсий (сайлов ҳуқуқи, одил судлов ҳуқуқи ва бошқа) ҳуқуқларини амалга оширишда иштирок этиш механизмларини белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. | 2023 йил октябрь | ТИХРА, ИҲММ, Адлия вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси | |
| 2. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга таъсири юзасидан мажбурий жамоатчилик экспертизасини жорий этиш. | 2.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тартибини тартибга солувчи ўзгартишлар киритиш. | 2023 йил январь | ННТМА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси, Адлия вазирлиги, ТИХРА, ИҲММ, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва тасдиқлашда ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олиш механизмини яратиш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, янгидан қабул қилинган ҳужжатларни ногиронлиги бўлган шахсларга таъсири юзасидан мажбурий жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2023 йил ноябрь | Адлия вазирлиги, ТИХРА, ИҲММ, Ногиронлиги бўлган шахслар ташкилоти | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ногиронлиги бўлган шахсларга таъсири бўйича мажбурий жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тизимини шакллантириш | |
| 3. | Ногиронлик белгисига кўра камситишдан ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини жорий этиш. | 3.1. Ногиронлик белгисига кўра камситиш учун жавобгарликни белгилаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. | 2023 йил январь | ТИХРА, Бош прокуратура, ИИВ, Адлия вазирлиги, Олий суд, ИҲММ, Омбудсман | Ногиронлик асосида камситиш учун жавобгарликни белгилаш бўйича қонунчиликни тартибга солишнинг хорижий тажрибаси бўйича таҳлилий маълумотнома | Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситувчи нормаларни бартараф қилиш |
| | | 3.2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига ногиронлик белгисига кўра камситганлик учун жисмоний ва юридик шахсларни жавобгарликка тортишни белгиловчи ўзгартишлар киритиш. | 2023 йил сентябрь | ТИХРА Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, ИҲММ, Омбудсман | «Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ногиронлик белгисига кўра камситиш учун жавобгарлик белгиланганлиги муносабати билан ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси | Жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ногиронлик асосида камситиш учун жавобгарликни (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодексларида) белгилаш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 4. | БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколини ратификация қилиш. | 4.1. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколи қоидаларини амалга ошириш бўйича халқаро тажриба ва хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш. | 2024 йил сентябрь | ИҲММ, ТИВ, Адлия вазирлиги, ТИХРА, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Факультатив протокол қоидаларини амалга ошириш бўйича халқаро ва хорижий давлатларнинг амалиёти бўйича таҳлилий маълумотнома | Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча механизмини яратиш |
| | | 4.2. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш мақсадга мувофиқлиги масаласини экспертлар томонидан ўрганиш. | 2024 йил ноябрь | ИҲММ, ТИВ, Адлия вазирлиги, ТИХРА, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Вазирлик ва идораларнинг БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги умумлаштирилган хулосалар | |
| | | 4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш масаласи бўйича умумий хулосани киритиш. | 2025 йил январь | ИҲММ, ТИВ | БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таҳлилий маълумотнома | |
| | | 4.4. «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг Факультатив протоколига қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2025 йил март | ИҲММ, Адлия вазирлиги | БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси | |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **II. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШ** | | | | | | |
| 5. | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларидан ҳамда уларнинг хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мажбурий миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 5.1. «Универсал дизайн» ва «оқилона мослаштириш» тамойилларини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш. | 2023 йил октябрь | Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, ТИХРА, Адлия вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси | Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳитни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш |
| | | 5.2. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектлари ва хизматларидан фойдаланиш мажбурийлигини таъминлашга доир талабларни белгилаш нуқтаи назаридан такомиллаштириш. | 2023 йил ноябрь | Қурилиш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, ССВ | Бино ва иншоотлар, транспорт ва бошқа объектларнинг эркин киришга қўйиладиган талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай муҳитга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш механизмини амалга ошириш |
| | | 5.3. Асосий самарадорлик кўрсаткичлари ва универсал дизайн талабларини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлиги бўлган ва ҳаракати чекланган шахслар учун СНиП – ШНК (шаҳарсозлик қоидалари ва нормалари) қулай яшаш муҳити лойиҳасини ишлаб чиқиш (янги таҳрирда). | 2023 йил декабрь | Қурилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Ногиронлиги бўлган ва ҳаракати чекланган шахслар учун қулай яшаш муҳити бўйича СНиП – ШНК (шаҳарсозлик қоидалари ва нормалари) (янги таҳрирда) қабул қилиш | Қурилиш меъёрлари қоидаларини Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва универсал дизайн талабларига мослаштириш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 5.4. Мулк шаклидан қатъий назар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларига тўсиқсиз кириши учун шарт-шароитларни яратиш бўйича талабларни бажаришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни жорий этиш. | 2023 йил январь | Бош прокуратура, ИИВ, Олий суд, Адлия вазирлиги, ТИХРА, ИҲММ, Қурилиш вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларига тўсиқсиз кириши учун шарт-шароитларни яратиш бўйича талабларни бажаришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни белгилаш |
| | | 5.5. Ижтимоий объектлар, маданий-кўнгилочар ташкилотлар ва спорт иншоотларида ногиронларнинг барча тоифадаги ҳуқуқларини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, пиёдалар йўлаклари, йўловчилар учун бекатлар ва пиёдалар ўтиш жойларида овоз ва ёритиш мосламаларини ўрнатишни тартибга солиш чора-тадбирларини кўзда тутувчи «Қулай жисмоний муҳит» Давлат дастурини қабул қилиш. | 2023 йил февраль | ТИХРА, Қурилиш вазирлиги, БММВ, Маданият вазирлиги, ХТВ, ССВ, Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қулай жисмоний муҳит» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори | Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай жисмоний муҳит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш |
| | | 5.6. «Интерактив қулайликлар харитаси» ахборот порталини яратиш, маълумотлар билан тўлдириш ва янгилаш. | 2023 йил январь | Ахборот ва оммавий коммуникация лар агентлиги, | Ахборот порталини ишга тушириш | Ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши мумкин бўлган |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ТИХРА, манфаатдор вазирлик ва идоралар | | инфратузилма объектларининг маълумотлар базасини яратиш |
| | | 5.7. «Ижтимоий хизматлар портали» автоматлаштирилган ахборот тизими ва «Реабилитациянинг техник воситалари» автоматлаштирилган ахборот тизимини пилот ҳудудларда жорий этиш. | 2023 йил сентябрь | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ТИХРА, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Ҳудудларда «Ижтимоий хизматлар портали» ва «Реабилитациянинг техник воситалари» автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишга тушириш | |
| 6. | Қурилиш ва реконструкция қилинаётган ижтимоий-маданий объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиялари таркибида ногиронлиги бўлган шахслар жамоат ташкилотларининг иштирокини таъминлаш. | 6.1. Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат ташкилотлари вакилларининг қулай жисмоний муҳит масалаларини кўриб чиқишдаги иштирокини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | 2023 йил октябрь | Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, ТИХРА, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, БММВ, ССВ, ХТВ | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | Қулай жисмоний муҳитни яратишда жамоатчилик иштироки механизмини яратиш |
| | | 6.2. Қулай жисмоний муҳитнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлиги масалаларини кўриб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб қилиш бўйича талабларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш. | 2023 йил ноябрь | ТИХРА, ИИВ, Бош прокуратура, Олий суд, Қурилиш вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси | Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай жисмоний муҳит масалаларини кўриб чиқишга |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | киритиш тўғрисидаги талабларни лозим даражада бажармаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш |
| 7. | Транспорт ва ташишнинг барча турларидан (автомобиль, сув, ҳаво, темир йўл), шунингдек, жамоат ва хусусий транспортдан фойдаланишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг индивидуал ҳаракатланишини таъминлаш. | 7.1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт ва ташишнинг барча турларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2023 йил октябрь | Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги, ССВ, ТИХРА, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт ва ташишнинг барча турларидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси | Транспорт ва ташишнинг барча турларидан фойдаланишда ногиронларнинг индивидуал ҳаракатланишини таъминлаш |
| | | 7.2. «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга уларнинг техник жиҳозларини (қўлтиқчалар, пиёдалар йўлаклари, аравачалар ва бошқалар) бепул ташиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2023 йил ноябрь | Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги, ССВ, ТИХРА, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тўхташ жойларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишни таъминлаш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 7.3. Ногиронлиги бўлган шахслар учун тўхташ жойларидан фойдаланиш нормаларини белгилаш. | 2023 йил декабрь | Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ИИВ, Автомобиль йўллар қўмитаси | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси | |
| 8. | Қулай жисмоний муҳит яратиш соҳасида мутахассисларни, жумладан ногиронлиги бўлган шахслардан мутахассисларни тайёрлаш. | 8.1. Қулай жисмоний муҳит яратиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича миллий ресурс марказини ташкил этиш. | 2023 йил март | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ТИХРА, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, ОЎМТВ | Қулай жисмоний муҳит яратиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича миллий ресурс марказ | Қулай жисмоний муҳит шакллантиришга қодир малакали мутахассислар сонини кўпайтириш |
| | | 8.2. Қулай жисмоний муҳит яратиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2023 йил март | ОЎМТВ, ТИХРА | Мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари | Малакали кадрлар тайёрлаш |
| 9. | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. | 9.1. Оммавий ахборот воситаларида эфирга узатилаётган аудио-маълумотларнинг сурдо тилига таржима қилинишини таъминлаш ёки | доимий | МТРК, Ахборот ва оммавий коммуникация | Имо-ишора тилидаги теледастурлар миқдори | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотдан |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | субтитрлар бериш (эшитишда нуқсони бўлган шахслар учун), сурдо тилига таржима қилинган телекўрсатувлар (ахборот ва бошқа) дастурлар ҳажмини ошириш. | | лар агентлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | | фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш |
| | | 9.2. Эшитиш ва кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида жойлаштириладиган маълумотларни мослаштиришга доир талабларни ишлаб чиқиш ва белгилаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш. | 2023 йил декабрь | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ТИХРА, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Давлат органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган маълумотларга қўйиладиган талаблар | Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш |
| | | 9.3. Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасаларда рельеф-нуқтали Брайл алифбосидаги (кўзи ожиз ногиронлиги бўлган шахслар учун) визуал маълумотларни кўпайтириш. | доимий | манфаатдор вазирлик ва идоралар | Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасаларда визуал маълумотларга қўйиладиган талаблар | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш |
| | | 9.4. Қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ эшитиш қобилияти заиф шахслар учун (имо-ишора тилидаги синхрон таржима, субтитрлар, ёпиқ таглавҳали югурувчи чизиқ билан) мослаштирилган телемедиа маҳсулоти ҳажмини ошириш. | 2023 йил октябрь | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ТИХРА, Адлия вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари | Кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар учун давлат органлари веб-сайтларининг версиялари | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотларга киришини таъминлаш |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 10. | Ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматларини (шу жумладан, «электрон хукумат» тизими орқали) кўрсатишнинг ҳуқуқий ва ташкилий тартиб-таомиллари механизмларини ишлаб чиқиш. | 10.1. Фуқаролардан проактив шаклда қўшимча ҳужжатлар талаб қилмасдан, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига нафақа тайинлашнинг автоматлаштирилган (электрон) тизимини жорий этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. | 2023 йил ноябрь-декабрь | Адлия вазирлиги, ССВ, БММВ, ОЎМТВ, ХТВ, Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, ТИХРА | Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш бўйича хорижий тажриба юзасидан таҳлилий маълумот | Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига кўра давлат хизматларидан (шу жумладан электрон ҳукумат) фойдаланиш имкониятини таъминлаш |
| | | 10.2. Ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматларини (шу жумладан «электрон ҳукумат» орқали) кўрсатиш механизмларини жорий этиш | 2023 йил октябрь | Адлия вазирлиги, ССВ, БММВ, ОЎМТВ, ХТВ, Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, ТИХРА, Молия вазирлиги, Ахборот | Таҳлилий маълумот | |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Пенсия жамғармаси | | |
| | | 10.3. Тасдиқланган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2023 йил ноябрь | Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, ССВ, манфаатдор вазирлик ва идоралар | | |
| | | 10.4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | 2023 йил ноябрь – декабрь | Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, ССВ, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | |
| | | 10.5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга ошириш бўйича амалий чоралар кўриш. | 2024 йил февраль | Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, ССВ, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Автоматлаштирилган (электрон) тизимни ишга тушириш | |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **III. НОГИРОНЛИКНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ** | | | | | | |
| 11. | Болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш мақсадида янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияларни эрта аниқлаш бўйича давлат тизимини янада такомиллаштириш. | 11.1. Болаларда ногиронликка олиб келадиган туғма нуқсонлар ва ирсий касалликларни аниқлаш бўйича эрта скрининг билан қамраб олишни ташкил этиш ва қуйидагилар бўйича мониторинг қилиш:<br>1) янги туғилган чақалоқларда фенилкетонурия ва конженитал ҳипотироидизмни эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида ташхис қўйиш учун неонатал;<br>2) эрта туғилган чақалоқларни ретинопатия учун офталмологик скрининг;<br>3) янги туғилган (уч ёшгача) чақалоқлар ва ёш болаларнинг аудиологик скрининги;<br>4) психофизик ривожланишда кечикиш хавфи бўлган болалар гуруҳини аниқлаш учун уч ёшгача бўлган болалар популяциясининг психофизик ривожланишини скрининг қилиш. | 2023 йил октябрь-декабрь | ССВ | Болаларда ногиронликка олиб келадиган ирсий касалликлар ва ривожланиш мониторинги натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома | Болалар ўртасида ногиронликнинг профилактика қилиш ва олдини олиш чораларини кўриш |
| | | 11.2. Болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш мақсадида янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияларни эрта аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» Давлат дастурини қабул қилиш. | 2023 йил март | ССВ, ТИХРА, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш мақсадида янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияларни эрта аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси | «Она ва бола скрининги» Давлат дастурининг қабул қилиниши |

| т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Мониторинг кўрсаткичлари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
